

515.04.4  
F 57

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма хукукида  
УДК 51:371-3

*Чурунбаев*  
ГОЙИБНАЗАРОВА Гулнора Норматовна

АНАЛИТИК ГЕОМЕТРИЯ ТУЗИЛИШИ, МАЗМУНИ ВА  
ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ  
(Педагогика олий таълим муассасалари мисолида)

13.00.02 - таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент 2009

*Р.Ф.*

Иш Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

**Илмий раҳбар**

физика-математика

фанлари доктори, профессор

**Нарманов Абдигаппар Якубович**

**Расмий оппонентлар:**

физика-математика фанлари доктори,

профессор **Мусаев Давлатали Қахарович**

педагогика фанлари номзоди, доцент

**Даданов Зокир Салимович**

**Етакчи ташкилот**

Наманган давлат университети

Химоя Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги К.067.18.01 рақамили Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил “28” 05 соат 14:00 да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103-уй. Тел. 254-92-02, факс(+99871) 215-54-18, e-mail: tdpu\_info@edu.uz

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил “21” 04 да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, физика-математика  
фанлари доктори, профессор



К.Р.Насридинов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустакиллигига эришиши кадрлар тайёрлаш мазмуни ва тузилмасини қайтадан ташкил этиш зарурятини кун тартибига кўйди. Бу долзарб ва мураккаб муаммонинг ечимини топиш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг катор карорлари қабул қилинди. «Таълим тўғрисида»ги қонунда: "таълим ва тарбиянинг инсонпарвар ва демократик ҳамда таълим тизимининг илмий, дунёвий характерга эгалиги"- таъкидланган. Узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим мактабларининг вазифалари: "шахсни шакллантириш ва уни жамият хаётига, меҳнат ва бошлангич қасбий қўниммаларга мослашишига ёрдамлашиб; индивидуал ижодий қобилият ва маънавий ахлоқий хислатларни ривожлантириш; ўқиши фаолиятида ижобий интилишлари ва маҳоратларини ривожлантириш; ўқувчиларнинг фанларининг таянч асослари тизимини ўзлаштириши"-белгилаб кўйилган. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасалари олдига бўлажак мутахассисларда замонавий билим, ўкув, қўнимма ва малакаларни шакллантириш учун хизмат килувчи ўқитиши воситалари, шакллари ва методларига алоҳида эътибор бериши энг муҳим вазифалардан бири килиб кўяди.

Маълумки геометрия фанини ўқитишида умумий ўрга таълим мактаблари, академик лицей ва қасб-хунар колледжларида ҳам кўпигина қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти математика ўқитувчисининг геометрик тайёргарлиги етарли даражада эмаслиги сабабли юзага келмоқда. Бу эса ўз ўзидан педагогика олий таълим муассасаларида геометрия фанини ўқитишига бўлган эътиборни янада кучайтиришга зарурят тутдиди.

Бўлажак математика ўқитувчисини тайёрлаш жараённада талабаларга замонавий талаблар бўйича билим бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва кўпқиррали фаолият кўрсата олишига имконият яратиш мақсадида педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган геометрия курсини ўқитишини такомилаштириш зарурдир.

Юкорида келтирилган фикрлардан педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак математика ўқитувчиларининг геометрик тайёргарлигини ривожлантириш мақсадида геометрия курсининг асосий бўлимларидан бири бўлган аналитик геометрия курсини ўқитишини такомиллаштириш методикасини ишлаб чикиш долзарб масалалардан эканлигини кўрсатади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаммони назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш Ўзбекистон Республика ва Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги миқёсида сўнгги йилларда бир катор олимлар томонидан тадқик этилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида математика ўқитувчисини тайёрлаш масаласи республикамизда Т.Т.Улаганов, А.Абдуқодиров,

Н.Ғайбуллаев, У.Абдиев, А.Норматов, Е.В Злоцкий, ҳамдұстлик давлатларыда В.Р.Майер, А.А.Курмышева, Г.С.Котлабулатова, Л.Кудрявцевларнинг илмий тадқиқот ишларини мисол қилиб күрсатиш мүмкін. Уларнинг ишларida математика үқитувчисини методик тайёрлаш тизимини ривожлантириш тамойилларини аниклац, олий педагогик таълимда математика үқитувчисини методик тайёрлашнинг турли моделларини ишлаб чиқиш билан боғлик бўлган масалалар тадқиқ этилган.

Академик лицей ва касб хунар колледжларида математика фанини үқитиши масаласи юзасидан А.Бакирова, Х.Султанова, И.У.Ибрагимовлар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўрта мактабда математика фанини үқитищдаги муаммолар бўйича Ф.Сайдалиева, Қ.Жуманиёзов, У.Б.Матназаровлар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Тадқиқот ишларини ўрганиши ва таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, замонавий таълим шароитида олий таълимда бўлажак математика үқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш, уларнинг мустақил ва эркин фикрлари қобилиятларини шакллантириш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

**Тадқиқот ишининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури»ни амалга ошириш жараённіда таълим тизими ва юкори малакали кадрлар тайёрлашни ислоҳ қилиш, ривожлантириш муаммолари, Давлат илмий-техник дастури доирасида «Ёш авлодни тарихий, миллый ва умуминсоний кадрияллар асосида тарбиялаш, таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимидаги юкори малакали, шунингдек, бошқарув кадрларини тайёрлаш муаммоларини тадқиқ этиш» (ДИТД-3) йўналиши бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини үқитища талабаларнинг геометрик тайёргарлигини янада риволантиришга ва билим даражасини оширишга ёрдам берадиган методиканни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

-педагогика олий таълим муассасаларида математика үқитувчисини тайёрлашнинг замонавий ҳолатини ўрганиш;

-тадқиқот муаммоси бўйича адабиётларни методик, психолого-педагогик таҳлил қилиш;

-педагогика олий таълим муассасаларида талабаларга аналитик геометрия курсини үқитиши такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш;

-аналитик геометрия курсини үқитиши бўйича ишлаб чиқилган методиканни кўллаб эксперимент ўтказиш ва бу методиканни кўллаш самарасини аниклаш.

**Тадқиқот обьекти:** педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини үқитиши жараённи.

**Тадқикот предмети:** педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган аналитик геометрия курсининг тузилиши, мазмуни, ўқитиш воситалари ва усуллари.

**Тадқикот методлари:** диссертация мавзусига оид илмий-методик, психологик-педагогик адабиётларни, ўкув-дастурйи хужжатларни таҳлил килиш; ўкув жараёнига модул технологияси асосида ёндошув; кузатиш; тадқикот натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ва умумлаштириш.

**Тадқикотнинг методологик асосини** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги конун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур», Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузаларида баён қилинган таълимни ислоҳ килиш соҳасидаги ёндашувлар, математика фанини ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича таникли педагоглар, психологлар, математиклар ва тадқикот муаммосига таатуқли ишлари ташкил киласди:

**Тадқикотнинг илмий фарази:** педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини ўқитиш жараёнида агар:

- ўқитиш жараёнида аналитик геометрия элементлари текисликда ва фазода биргаликда олиб борилса;

- ўкув жараёнида ва талабалар ўзлаштиришини назорат қилиш блок-модулли тизим асосида ташкил қилинса;

- ўқитишга янги педагогик технологиялар жалб қилинса;

- ўқитиш жараёни талабаларнинг қасбий малака ва кўнималарини ривожлантиришга йўналтирилган бўлса талабалар билим даражаси ва геометрик тайёргарлиги янада ортади ва бунинг натижасида талабаларнинг қасбий тайёргарлиги бўйича малака ва кўнималари юкори босқичга кутарилади.

### **Химояга олиб чикилаётган асосий холатлар:**

-аналитик геометрия курсини ўқитишда текислик ва фазо элементларини биргаликда олиб бориш натижасида ўқитиш жараёни оптималлашади ва вакт тежалиши имконияти яратилади;

-аналитик геометрия курсини ўқитишда модул технологиясини қўллаш талабаларнинг ўкув фаолиятини ўзлари ташкил қилиши учун шароит яратади ва ўқитишни индивидуаллаштиради;

-талабалар билимини назорат қилишнинг блок-модулли тизимини жорий қилиш уларнинг ўкув фаолиятини фаоллаштиришга, талабаларни системали ишлашга, ўкув материалларининг бир хил таксимланишига ва билим даражасини ошишига ёрдам беради;

-аналитик геометрия курсини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан фойдаланиши.

### **Илмий янгилиги:**

-аналитик геометрия курсини ўқитиш методикаси назарий асосланди;

- ўқитишда кўйилган мақсадга эришиш учун унумли бўлган воситалардан фойдаланиши назарда тутувчи комплекс ёндашиш;

Н.Ғайбуллаев, У.Абдиев, А.Норматов, Е.В Злоцкий, ҳамдұстлик дазвлатларыда В.Р.Майер, А.А.Курмышева, Г.С.Котлабулатова, Л.Кудрявцевларнинг илмий тадқиқот ишларини мисол қилиб күрсатиш мумкин. Уларнинг ишларида математика үқитувчисини методик тайёрлаш тизимини ривожлантириш тамойилларини аниклаш, олий педагогик таълимда математика үқитувчисини методик тайёрлашнинг турли моделларини ишлаб чиқищ билан боғлик бўлган масалалар тадқик этилган.

Академик лицей ва қасб ҳунар коллежларидаги математика фанини ўқитиши масаласи юзасидан А.Бакирова, Х.Султанова, И.У.Ибрагимовлар тадқиқот ишларини олиб боргандар. Ўрта мактабда математика фанини ўқитишидаги муаммолар бўйича Ф.Сайдалиева, Қ.Жуманиёзов, У.Б.Матназаровлар тадқиқот ишларини олиб боргандар.

Тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳжили шуни кўрсатмоқдаки, замонавий таълим шароитида олий таълимда бўлаjak математика үқитувчиларининг қасбий тайёргарлигини ривожлантириш, уларнинг мустакил ва эркин фикрлаш қобилиятларини шакллантириш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

**Тадқиқот ишларининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш жараённанда таълим тизими ва юқори малакали қадрлар тайёрлашни ислоҳ қилиш, ривожлантириш муаммолари, Давлат илмий-техник дастури доирасида «Ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимидаги юқори малакали, шунингдек, бошқарув қадрларини тайёрлаш муаммоларини тадқиқ этиш» (ДИТД-3) йўналиши бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини ўқитишида талабаларнинг геометрик тайёргарлигини янада риволантиришга ва билим даражасини оширишга ёрдам берадиган методикани ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот вазифалари:**

-педагогика олий таълим муассасаларида математика үқитувчисини тайёрлашнинг замонавий ҳолатини ўрганиш;

-тадқиқот муаммоси бўйича адабиётларни методик, психолого-педагогик таҳлил қилиш;

-педагогика олий таълим муассасаларида талабаларга аналитик геометрия курсини ўқитишини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиши;

-аналитик геометрия курсини ўқитиши бўйича ишлаб чиқилган методикани кўллаб эксперимент ўtkазиш ва бу методикани кўллаш самарасини аниклаш.

**Тадқиқот обьекти:** педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини ўқитиши жараённи.

**Тадқиқот предмети:** педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган аналитик геометрия курсининг тузилиши, мазмуни, ўқитиш воситалари ва усуллари.

**Тадқиқот методлари:** диссертация мавзусига оид илмий-методик, психологик-педагогик адабиётларни, ўкув-дастурий хужжатларни таҳдил килиш; ўкув жараёнига модул технологияси асосида ёндошув; кузатиш; тадқиқот натижаларни математик-статистик кайта ишлаш ва умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Гаълим тўғрисида»ги конун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузаларида баён килинган таълимни ислоҳ килиш соҳасидаги ёндашувлар, математика фанини ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича таникли педагоглар, психологлар, математиклар ва тадқиқот муаммосига таалукли ишлари ташкил киласди:

**Тадқиқотнинг илмий фарази:** педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини ўқитиш жараёнида агар:

- ўқитиш жараёнида аналитик геометрия элементлари текисликда ва фазода биргаликда олиб борилса;

- ўкув жараёнида ва талабалар ўзлаштиришини назорат қилиш блок-модулли тизим асосида ташкил қилинса;

- ўқитишга янги педагогик технологиилар жалб қилинса;

- ўқитиш жараёни талабаларнинг касбий малака ва қўнималарини ривожлантиришга йўналтирилган бўлса талабалар билим даражаси ва геометрик тайёргарлиги янада ортади ва бунинг натижасида талабаларнинг касбий тайёргарлиги бўйича малака ва қўнималари юкори босқичга кўтарилади.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- аналитик геометрия курсини ўқитишда текислик ва фазо элементларини биргаликда олиб бориш нагижасида ўқитиш жараёни оптималлашади ва вакт тежалиши имконияти яратилади;

- аналитик геометрия курсини ўқитишда модул технологиясини қўллаш талабаларнинг ўкув фаолиятини ўзлари ташкил қилиши учун шароит яратади ва ўқитишни индивидуаллаштиради;

- талабалар билимини назорат қилишнинг блок-модулли тизимини жорий қилиш уларнинг ўкув фаолиятини фаоллаштиришга, талабаларни системали ишлашга, ўкув материалларининг бир хил тақсимланишига ва билим даражасини ошишига ёрдам беради;

- аналитик геометрия курсини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан фойдаланиш.

**Илмий янгилиги:**

- аналитик геометрия курсини ўқитиш методикаси назарий асосланди;

- ўқитишда қўйилган мақсадга эришиш учун унумли бўлган воситалардан фойдаланишни назарда тутувчи комплекс ёндашиш;

түшүнчаларини ташкил этади. Шу сабабдан геометрик тайёргарлик билан касбий педагогик тайёргарлик орасыдаги мантикий боғлиқлик бұлажак математика ўқытувчисининг геометрик билимларни әгаллаганлыгыда намоён бўлади. Бўлажак математика ўқытувчиларининг касбий тайёргарлигига геометрик тайёргарлик мухим ўрин тутади. Тадқикот ишида талабаларнинг геометрик тайёргарлиги кўйидагича аникланди:

- геометрик түшүнчаларни билиш;
- назарий материалларни амалиётда ўринли кўллай билиш;
- геометрик фигуранларни тўғри ва кўргазмали тасавирлай олиш;
- фазовий тасавурининг ривожланган бўлиши;
- геометрия фанини бошқа фанларни ўрганицида тутган ўрнини англаш;
- мантикий хулосалар чиқара олиш.

Диссертациянинг “Педагогика олий ўқув юртларида аналитик геометрия курсини ўқитишини такомиллаштириш методикаси” деб номланган иккичи бобида геометрия фанини ўқитишида текислик ва фазо элементларини биргаликда олиб бориш ва унинг афзаликлари ҳақида фикр билдирилган. Бу гоя фузионизм (fusion – слияние) принципи деб аталиб, геометрия фанини ўқитишига бундай ёндошиш бой тарихий маълумотларга эга. XIX аср охири XX аср бошларида геометрия фанини ўқитишида фузионизм принципи нихоятда ривожланаб борди. Россияяда фузионизм гояси асосида яратилган дастлабки китобларга Н.И.Лобачевскийнинг “Геометрия” (1792-1856 йиллар) китобини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу китобда мактаб геометрия курсини қуришда фузионизм гоясига асосланыш самарали эканлиги ҳақида фикр билдирилади. Мактаб геометрия курсини фузионизм гояси асосида қуриш борасида Россиялик олимлардан В.А.Далингер, Г.Г.Левитас, В.А.Гусевлар ижобий фикр билдирганлар. Ўрта мактаб геометрия курсидан И.Ф.Шарыгин томонидан ёзилган “Наглядная геометрия” ўқув қўлланмаси ҳам фузионизм гоясига асосланган.

Маълумки, геометрия фанини ўқитишида ўқувчи ёки талабанинг фанни ўрганишига бўлган қизиқишини янада орттириш реал ҳаётдаги қонуниятлар ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш орқали ҳам амалга оширилади. Аналитик геометрия курсини ўқитиши жараённада бу мақсадга эришишда:

- ўқитиши жараённи текислик ва фазо элементларини биргаликда ўқитишига асосланганлиги;
- аналитик геометрия элементларини түшунтиришида, теоремаларни исботлашда кўргазмалиликка эътибор кучайтирилганлиги;
- ўқитиши жараённада талаба ва ўқитувчининг билиш фаолиятининг бир мақсадга йўналтирилганлиги мухим ўрин эгаллайди.

Мактаб геометрия фанини ўқитиши методикасини таҳлил қилган кўпгина олимларнинг фикрича ўқувчиларнинг кўпчилигига фазовий тасавурининг етарли даражада ривожланмаганлиги, мантикий фикрлаш қобилияти паст даражада эканлиги маълум бўлди. Бу эса ўқитишининг нафбатдаги босқичларида талабаларнинг геометрия фанини ўзлаштиришларида кийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Юкорида келтирилган камчиликларни бартараф қилишда аналитик геометрия курсини ўқитишга текислик ва фазо элементларини биргаликда олиб борган холда ёндошиш самарали ёрдам беради. Ўкув жараёнига технологик ёндошиш жараённи аник мақсадга йўналтирилган ва объектив холда ташкил этиш имконини беради. Фанларни ўқитишга доир ўтказилган изланишлар шуни кўрсатди, талабаларда касбий билим ва кўнгималарни шакллантиришда модулли ўқитиш технологияси яхши натижа беради.

Аналитик геометрия курсини ўқитишида мавзулар модулларга шундай ажратилдики, бунда хар бир модул бир бўлимни ўз ичига олади. Тадқикот ишида аналитик геометрия курсини текислиқда ва фазода биргаликда ўқитишнинг икки семестрга мўлжалланган технологик схемасини ишлаб чиқилди. Бу модуллар ўкув дидактик комплекслар асосида тузилган бўлиб, бу ўкув дидактик материаллар ТДПУ математика ва уни ўқитиш методикаси кафедрасида ишлаб чиқилди.

Ўкув дидактик комплекснинг асосий элементлари куйидаги кетма кетликлда жойлаштирилган:

- модулга кириш;
- модулдаги мавзулар бўйича маъруза матнлари;
- амалий машгулотлар топшириклари ва уларни бажариш тартиби;
- яқуний назорат саволлари;
- топшириклар тўплами (мисол ва масалалар);
- мустакил ишлаш учун тошлириклар.

Аналитик геометрия курсидаги мавзулар олтига модулга ажратилган бўлиб, улардан 3 таси биринчи семестрда, 3 таси икиинчи семестрда ўқитилади.

1 модул. Текислиқда ва фазода векторлар.

2 модул. Текислиқда ва фазода координаталар методи.

3 модул. Текислиқда тўғри чизик. Фазода тўғри чизик ва текислик.

4 модул. Текислиқда ва фазода координаталар системасини алмаштириши.


Текислиқда ва фазода алмаштиришлар. Харакат ва унинг турлари

5 модул. Текислиқда иккинчи тартибли чизиклар.

6 модул. Фазода иккинчи тартибли сиртлар ва уларнинг умумий тенглемаси.

“Модулга кириш” блоки қуйидаги ташкил этувчиларни ўз ичига олади: мазкур модулни ўқитишдан мақсад, текширувчи тестлар, модулда ишлаш бўйича йўлланма. Текширувчи тестларнинг мақсади талабаларнинг мазкур ҳолатдаги билим даражасини аниқлаш ва ўқитишга табакалаштирилган холда ёндошиш имконини беради. “Модулда ишлаш бўйича йўлланма”да ушбу модулни ўқитишдан кўйилган мақсадлари ёритилади, мазкур бўлиб бўйича ўкув дидактик комплексда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб умумлаштирувчи қисқача маълумот берилади, ушбу модул бўйича маъруза ва амалий машгулотларнинг технологик хариталари тузилади ҳамда мустакил таълимнинг мазмуни, назорат килишнинг блок-модулли тизими билан таништирилади.

Аналитик геометрия курсини ўқитишида модул бўйича ишланиш тартиби куйидаги расмда келтирилган



1-расм. Модулда ишланиш бўйича йўлланма

“Ўқитиш” блоки маъруза, амалий машғулотларнинг технологик харитасига асосланаб ташкил килинади ва унда ўқув жараёнини мавзуга мес метод, восита, формалар ёрдамида ташкил килишни назарда тутади. Ўқитишни бошқариш ўқув дидактик комплексда ўқув технологияни харитада ва назорат қилиш жадвалида акс этирилган фаолият дастури орқали амалга оширилади. Бу жараёнда талабада ўз фаолиятини ташкил қилиш кўниммалари хосил бўлади.

“Модулдан чиқиши” блоки қуйидаги ташкил этувчиларни ўз ичига олади: ушбу модулда ўтилган мавзуларни умумлаштириш, блок-модулли назорат, талаба билимларини мустахкамлаш, биринчи ва охириги модуллар натижалари бўйича талабаларнинг геометрик тайёргарлигини баҳолаш. Блок-модулли назорат мустакил топширикларнинг бажарилишини назорат қилишни, мазкур назарий материаллар бўйича тест топширикларни, ёзма назорат ишларини хам ўз ичига олади.

Якуний баҳолаш саволлари, мустакил ўқиш учун ажратилган саволлар, талабалар билим савияси ва мустакил машғулотларни ҳисобга олган ҳолда тўғдирилади. Мустакил иш топширикларининг ва амалий машғулотларнинг ўқув технологик хариталари мазкур мавзулар бўйича топширикларни бажариш учун керак бўладиган назарий материаллар ва оғзаки савол жавоб қилишида учрайдиган саволлар бўйича маълумот беради. Бундан ташқари технологик харитада машғулот давомида ечиладиган мисоллар, яхши ўзлаштирадиган талабалар қўшимча ишлаши учун мисоллар ва мустакил ишлаш учун топшириклар келтириб ўтилади.

Талабаларнинг мустакил ишлари-бу ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, лекин белгиланган вақтда бажариладиган ишлардир. Мустакил ишлаш методлари ўқитишнинг таълим берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифаларини амалга оширишга ёрдам беради. Шу сабабдан таклиф этилаётган аналитик геометрия курсини ўқитишни такомиллаштириш методикасида талабаларнинг мустакил ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида геометрия фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим даражасини тахлил қилиш натижалари шуни курсатдики, тенглама ва тенгизликларни ечишга нисбатан матнли масалаларни ечишда талабалар кўпроқ қийинчиликка учрайдилар. Бунга сабаб тенглама, тенгизлик ёки тенгламалар системасини ечишда мисолларнинг математик модели тайёр бўлганлиги сабабли маълум қоидаларга ёки маълум алгоритмга асосланган ҳолда иш олиб борилади. Матнли масалаларни ечиш учун эса масаланинг математик моделини ўкувчининг ўзи тузиши керак бўлади. Шу сабабдан бундай масалалар ва геометрик масалаларни ечиш ўкувчидан катта мантикий фикрлашларни талаб киласди.

Ҳозирги замон математика ўқитиш методикасининг математик масалалар назарияси муаммосини ишлаб чиқиш, математик масалаларнинг ўкувчиларни фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдаги ролини очиб бериш, математик масалаларни ечишга ўргатишнинг назарий асослари муаммолари

Ю.М.Колягин, В.И.Крупич ва бошқа олимларининг илмий ишларида тадқик этилган.

Мураккаб масалаларни ечиш учун аввало масалани таҳлил килиш керак. Ўқувчи масала шартидаги маълум катталикларни ва бу катталиклар ўзаро қандай боғланганинги, бу боғланишлардан қандай холосалар қилиш мумкинлигини ва ниҳоят нимани топиш кераклигин яққол англаши керак. Бундай таҳлил нафакат маълум бир йўналишдаги характерда (берилганлардан номаълумларга), балки аксинча масала ечишга бўлган уриниш икки карама-карши йўналишда олиб борилиши керак.

Масала ечишнинг энг кийин жихати шуки, номаълум катталикни топиш учун танланадиган усул энг киска бўлиши керак. Бу жараён тури масалалар учун бир хил бўлмасдан, ҳар бир масала учун турлича бўлади. Масалаларни соғ ғеометрик нуқтаи назардан ёки алгебра ва тригонометрия элементларидан фойдаланиб муҳокама қилиш мумкин. Шуни айтиб ўтиш лозимки, ўқувчиларнинг бъязи содда факт ёки формуаларнинг билмасликлари улар учун анча кийинчиликлар тутдирди. Масалан, айланадан билан боғлик бурчакларни ўлчаш (ички чизилган, марказий, ватар ва уринма орасидаги бурчак, айланада ичида кесишуви ватарлар орасидаги бурчак ва бошқалар), кесувчи ва уринма хоссаларини, ички ва ташки чизилган кўпбурчаклар, синуслар ва косинуслар теоремалари, тўғри бурчакли учбучрак томонлари билан бурчаклар орасидаги муносабатларга доир тригонометрик формуаларни билмасликлари туфайли кийналадилар. Ғеометрик масалаларни ечишда чизма ҳам муҳим аҳамиятта эга. Агар чизма аниқ ва тўғри чизилган бўлса масала ечишини осонлаштиради, аксинча нотўғри чизма масала ечиши бутунлай бошқа йўлдан олиб бориши мумкин. Масалани ечиш жараённида ўқувчилар масала ечиш йўлини тўғри танлашига, уларнинг мантикий фикрлашни ривожлантиришга эътибор қартиш керак. Шу сабабдан элементар ғеометрик масалаларни ечишда аналитик ғеометрия элементларидан фойдаланиб масалани ечишнинг кулагайлик томонлари кўрсатиб ўтилган.

Республикамиз мустакиллиги туфайли ҳозирги вактда олий таълим муассасаларида таълим-тарбия ишининг асосий шакли - ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва талабалар билим даражасини холис баҳолашга бўлган эътибор ошиб бормокда. Ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда таълим жараёни тизимида ижобий ўзгаришлар, янгиликлар қилишни тақозо этади. Фан-техника ривожланиши, янги педагогик ва ахборот технологияларининг таълим жараёнига кириб келиши фанларни ўқитиш шакл ва методларини унинг мазмунига мос ҳолда такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, талабалар томонидан ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш ҳамда улар эгаллаган билимини баҳолаш жараёнларини компьютер технологияси ёрдамида ташкил этишни талаб этади.

Компьютер технологиясининг инсон фаoliyatiга тобора кўпроқ кириб бориши таълим соҳасидаги ривожланишни ҳам анъанавий усулда

олиб бориш мүмкін эмаслигини, дарс бериш жараёнига компьютер технологиясینи табиқ этиш натижасыда ривожланишни янада күчайтириш мүмкінлегін үз исботини топмоқда.

Компьютер технологиясидан фойдаланиб, олій таълим муассасаларида үкув жараёнини ташкил килиш А.А.Абдуқодиров, В.П.Беспалько, Г.С.Котлабулатова, Т.В.Григорьева, Р.Х.Кодировларнинг илмий изланишларидан үз аксина топған бўлиб, үкув дастурига киритилган материаллар бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган назарий билими, амалий қўнимка ва малакаларни холис баҳолаш жараёни ёритиб берилган. Компьютер технологиясидан олій таълим муассасаларининг үкув жараёнида фойдаланиш учун ўқитувчи олдиндан ўтиладиган мавзуни ишлаб чиқилган дастурдан фойдаланиб компьютер хотирасига киритиб қўяди. Дарс мобайнида ўқитувчи эркин бўлиб, унинг ҳар бир талаба билан яккама-якка ишлаши таъминланади. Ҳар бир талаба компьютерда мавзуларни якка тартибда ўзлаштириб боради. Бундан ташкари, фан мавзуларини яхши ўзлаштирган иктидорли талабаларга янада мураккаброк қўшимча топшириклар бериши имконияти вуҷудга келади.

Таълим жараёнида компьютер технологиясидан фойдаланиш ўқитишининг замонавий педагогик технологияси хисобланаб, бунда компьютер ёрдамида таълим жараёнини турли усусларда ташкил қилиш ва талабаларнинг ўзлаштиришини самарали назорат килиш мүмкін бўлади.

Компьютер технологиясидан фойдаланиб, олій таълим муассасаларида таълимни ташкил қилиш мобайнида турли ахборотларни йигиш ва уларни қайта ишлаш, зарур бўлганда керакли маълумотларни олиш мүмкін. Компьютер ёрдамида назорат килинадиган параметрлар тўплами кенг бўлиб, улардан асосийлари сифатида кўйидагиларни қўрсатиш мүмкін:

- талабанинг масалани ечишга сарфлаган вақтни назорат қилиш;

- саволларга талаба томонидан берилган жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилигини тезлиқда аниқлаш;

- саволларга жавоб беришда талабанинг қўшимча имкониятларига ва ўтилган мавзуларга мурожаатини аниқлаш;

Талаба компьютер технологиясидан фойдаланиб, ташкил этилган дарсда фан мавзусини мустақил холда ўзлаштираётганида, тушунмаган жойларини ўқитувчидан сўрайди, ўқитувчи билан якка тартибда сухбатлашиш имкониятига эга бўлади. Ўтилётган янги мавзуни мустаҳкамлаш кисмида тушунарли бўлмаган материалларни қайтадан кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи учун эса ҳар бир дарс охирида барча талабаларни баҳолаш имконияти яратилади.

Маълумки, компьютер технологиясидан фойдаланиб, ташкил этилган ўқитиш ва талабаларнинг олган назарий билими назоратини ташкил қилганда, талабага мўлжалланган үкув материалини тўла етказиш ва үкув фани дастурига мос ўзлаштирилган назарий билими, эгалланган амалий қўнимка ва малакаларни бир вактнинг ўзида тез ва аниқ текшириш учун кам вақт сарфланади.

Тажрибалар шуни күрсатадики ўкув жараённига компьютер технологиясини табдик этиш бу жараённи автоматлаштириш имконини бермокда. Демак, аналитик геометрия курсини ўқитиш жараённің хам компьютер технологиясини құллаш курсни ўқитиш самарадорлигини оширади.

Компьютер технологияси ёрдамида ўқитиш ҳар доим педагогларнинг дикқат марказида турған мұаммолардан бири бўлиб келган. Аналитик геометрия курсини ўқитишида компьютер технологиясини табдик қилиш нафакат замонавий техника билан таъминланғанлыкни, балки қуидаги бир неча саволларга хам жавоб излашни такозо этади

-аналитик геометрия курсини ўқитиш самарадорлигини оширишда қандай информацион технологиялар кўл келади;

-аналитик геометрия курсини ўқитиши жадаллаштиришда ўқитиш жараённига информацион технологияларни жалб қилишнинг қандай усуллари кўл келади;

-қандай дастурлардан фойдаланиш аналитик геометрия курсини ўқитишида кўргазмалиликка эътибор кучайтиради.

Геометрия фанини ўқитишининг ўзига хос хусусиятларидан бири талабаларни ўқитишида кўргазмалилик ва тасаввур қилиш қобилиятининг шаклланғанлиги мұхим аҳамиятга эга. Тушунчаларнинг абстрактлиги уларни талабалар томонидан ўзлаштиришни бироз қийинлаштиради.

Тадқиқот ишида аналитик геометрия курсини ўқитишида компьютер технологиясидан фойдаланиб дарсни ташкил қилиш усуллари кўрсатилган бўлиб, бунда Mapple 9.5 дастури ёрдамида аналитик геометрия курсида ўрганиладиган иккинчи тартибли чизикларни текшириш, уларни чизиш ишлари амалга оширилади. Бунда иккинчи тартибли чизик каноник ёки умумий тенглемаси билан берилган ҳоллари алоҳида кўсатилган.

Диссертациянинг “**Педагогик экспериментни ташкил қилиш, ўтказиш ва унинг натижалари**” номли учинчи бобида шахснинг фаолиятта тайёрлик ҳолати мұаммоси ҳақида фикр юритилган. Бу мұаммо кўп олимлар томонидан тадқиқ қилинган жумладан, Ф.Ю.Бассин, М.И.Виноградов, М.И.Дьяченко, Л.А.Кандибовиҷ, В.А.Понамаренко ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

У ёки бу фаолият турига тайёрлик деганда шахснинг мақсадга йўналтирилган ҳолати тушунилади. Бу ҳолат шахснинг ишончи, қарашлари, муносабатлари, мотивлари, хис-туйгулари, иродавий ва интеллектуал сифатлари, билимлари, малакалари, құникмалари, мақсадлари, бирор ишни бажаришга бўлган ҳохишини ўз ичига олади. Психологларнинг фикрича, тайёрлик ҳолати мотивацион, мослашиб, иродавий ва баҳолаш каби ташкил этувчилар билан ифодаланади. Бу ташкил этувчиларнинг ривожланғанлиги ва аниқ акс этиши мутахассис тайёрлигининг юкори даражасини белгилайди. Тайёрликнинг ўртача ва паст даражаси юкоридаги компонентларнинг етарлича ривожланмаганлиги билан аниқланади.

Таджикотда бўлажак математика ўқитувчисининг геометрик тайёрлиги куйидаги даврларда ўрганилди:

I – педагогика университетида ўкишни бошлагандан;

II – аналитик геометрия курсини ўқиш даврида;

III – аналитик геометрия курсини ўқиб тамомлагандан кейинги давр.

Педагогик экспериментнинг асосий мақсади юкорида қайд этилган даврларда бўлажак математика ўқитувчисининг геометрик тайёрлигини такомиллаштиришда методик тизимнинг самарадорлигини аниклашдан иборат бўлди.

Геометрик тайёргарликкунинг биринчи даври бўлажак математика ўқитувчисининг мактаб, академик лицей ёки касб хунар коллекциясида олган билим, кўникумалари билан аниқланади.

Геометрик тайёргарликкунинг иккинчи даврида педагогика олий таълим муассасаларининг биринчи боскичида ўкиш даврида талабаларнинг аналитик геометрия курси бўйича кўникумаларини баҳолаш натижасида маҳсус дастур асосида ўкишига катта эътибор берилади. Бунда, аналитик геометрия элементларини киритишнинг янги варианти, конкрет мавзуларни ўқитишида талабаларнинг геометрик тайёргарлигини шакллантиришга, тасаввур килиш қобилиятини ва умумлаштириб фикр юритишига катта эътибор берилди.

Учинчи давр, яъни аналитик геометрия курсини ўқиб тамомлагандан кейинги даврдаги ишнинг мақсади бўлажак математика ўқитувчиларининг бевосита геометрик тайёрлигини такомиллаштиришдан иборат.

Диссертацияда таклиф этилаётган талабаларнинг геометрик тайёргарлигини ривожланишини таъминловчи ўқитиши методикасини самарадорлигини кўргазмали ташкил этиш мақсадида синов ва назорат гурухларида ўтказилган тест натижаларининг статистик тахлилини келтирамиз.

Бахо: аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз.

Баллар таксимоти: 25,8-30 21,3-25,5 16,8-21 0-16,5

Тест натижалари қуйидагича:

Синов гурухида –  $n=61$ , назорат гурухидаги –  $m=60$

Синов ва назорат гурухи талабаларнинг тест натижалари кўрсаткисларини мос равищда  $x_i$ , ва  $y_j$ , лар, уларга мос частоталарни  $n_i$ , ва  $m_j$ , лар оркали белгилаймиз. Бу икки гурухда олинган натижалар таҳлили ва хуносаларни математик статистика методлари оркали амалга оширамиз. Синов ва назорат гурухларидаги ўзлаштиришнинг ўргача кўрсаткичини куйидаги формуулалар оркали аниқлақнади:

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i x_i, \quad \bar{y} = \frac{1}{m} \sum_{j=1}^M m_j y_j$$

Бу ўзлаштириш фоизларда  $\bar{x} = 87\%$ ,  $\bar{y} = 77\%$ , яъни синов гурухининг ўргача ўзлаштириш кўрсаткичи юкори.


$t = \bar{x} - \bar{y} = 3 = 10\%$ , яъни ўргача кўрсаткичлар орасидаги фарқ жиддий.

Ҳар иккала гурухдаги ўргача аниқлик кўрсаткичларини

$$C_{S_x} = \frac{2,76}{\sqrt{61}} \cdot \frac{100\%}{26} = 1,36\% \text{ ва } C_{S_y} = \frac{3,94}{\sqrt{60}} \cdot \frac{100\%}{23} = 2,22\%$$

Күриниб турибдики,  $C_{S_x} > C_{S_y}$ , яъни синов гурухи талабаларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гурухи талабалариникига нисбатан катта.

Энди хар иккала гурух кўрсаткичлари тақсимоти қонунини аниклаш мақсадида бу гурухлар учун мос частото полиганларини чизамиз. (2ва 3 расмлар).



2 расм. Синов гурухи частота полигони



3 расм. Назорат гурухи частота полигони

Бу ерда  $x$  ва  $y$  танловлар бўйича  $n=61$  ва  $m=60$  катталиклар учун статистик таҳлил барча фактлар учун олинган бўлиб, бунда  $N(a_1; \sigma_1^2)$  ва  $N(a_2; \sigma_2^2)$  нормал ҳолда тақсимланган деб тахмин қилиш мумкин. У ҳолда бу тақсимот бўйича параметрларни мос келишини текшириб кўриш етарли бўлади. Аввало Фишер F – критерийси бўйича дисперсия гипотезаларининг  $H_0^\sigma$ :  $\sigma_1 = \sigma_2$  тенглигини текширамиз.

Статистик маълумотларни Фишер формуласи ёрдамида хисоблаймиз

$$F_{n,k} = \frac{2,76}{3,94} = 0,7005.$$

Фишер тақсимот жадвали бўйича 95% критик босқичини аниклаймиз.

$$F_{\frac{n-\alpha}{2}}(m-1; k-1) = F_{0,95}(59,60) = 1,56.$$

$1,56 > 0,7005$  бўлганлиги сабабли, дисперсиялар тенгсизлигининг  $H_1$  фарази 95% аниклик билан четлашади ва  $H_0$  кабул қилинади, яъни барча фактлар бўйича олинган дисперсиялар мос келади. Альтернатив фаразлар ўрга кийматлари мос келиши .  $H_0^a$ :  $a_1 = a_2$  - фаразини текшириш учун Стыюдентнинг кўш ташланма тахлилидан фойдаланамиз.  $H_0^a$ :  $a_1 = a_2$  гипотезанинг ўргача нисбий алтернатив гипотеза  $H_1^a$ :  $a_1 \neq a_2$  билан мос келишини текшириш учун Стыюдентнинг кўшташланама тахлилидан фойдаланамиз.

$$T_{n,k} = \frac{\left| \bar{x} - \bar{y} \right|}{\sqrt{\frac{S_x^2 + S_y^2}{n+k}}} = \frac{3}{\sqrt{\frac{7,6 + 15,5}{61+60}}} = \frac{3}{\sqrt{0,1246 + 0,2583}} = \frac{3}{0,6188} = 4,85$$

Стыюдент тақсимотининг критик даражасини топиш учун, озодлик даражасини хисоблаймиз:  $k \approx 122,17$ . Стыюдент тақсимоти бўйича 95% аниклик билан мос келувчи критик нуқтаси топилади:  $t_{0,95}(122) = 1,96$ ,  $1,96 < T_{n,m} = 4,85$  бўлганлиги сабабли  $H_0^a$  95% аниклик билан четлашади ва  $H_1^a$  гипотеза кабул қилинади, яъни бош ташланмаларнинг ўргача киймати турлича. Бу ўз навбатида синов гуруҳи учун таклиф этилган ўқитиш методикаси билан назорат гурухидаги ўқитиш методикасининг фарқини кўрсатади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан кўринидадики, синов гурухидаги кўрсаткичлар юқори, яъни  $\bar{x} > \bar{y}$  ва  $C_{s_x} < C_{s_y}$ , бу эса ўз навбатида таклиф этилаётган методиканинг самарали эканини кўрсатади.

## ХУЛОСАЛАР

Педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини ўқитишини тақомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари куйидаги хулосалар килиш имконини берди:

1. Педагогика олий таълим муассасаларида ўқиш жараённида талабалар фаолияти ва билим даражаси, ўкув дастури, дарслекларнинг тахлили, ривожланган мамлакатларнинг олий таълим тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги ёндошувларини ўрганиш натижалари аналитик геометрия курсини ўқитиш жараённида тақомиллаштиришнинг илмий, педагогик, методик шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда илмий жиҳатдан асослаш зарурияти туғилди.
2. Бўлажак математика ўқитувчининг геометрик тайёргарларигини янада ривожлантириш, ўкувчиларнинг имконият ва талаб эҳтиёжларини хисобга

воситаларни жалб қилган холда ўкув жараёнини ташкил этишга эҳтиёж мавжудлигини илмий-методик жиҳатдан асосланди.

4. Аналитик геометрия курсини ўқитиши такомиллаштириш талабанинг мустакил фикрлаш, ижодий фаолият кўрсатиш орқали ўзлаштирган билимларининг моҳияти, уларни эгаллашдан максад нима эканлигини, эгалланган билимларини амалиётга татбик этишга ўргатиш кераклиги асослаб берилди.
5. Аналитик геометрия курсини ўқитиши жараёнида курснинг тузилиши ва мазмунини такомиллаштириш асосида ўtkazilgan тажриба-синов ишлари, дарсларда турли замонавий педагогик технологияларни қўллаш натижалари тадқикотнинг илмий фарази тўғрилигини тасдиклади.

### **Таклиф ва тавсиялар**

Ўтказилган тадқикот натижалари қўйидаги тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Аналитик геометрия курсини ўқитиши жараёнида текислик ва фазо элементларини биргаликда олиб бориш табаларнинг билим, қўнишка ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилиши керак.
2. Аналитик геометрия курси бўйича мустакил ишлаш учун топширикларини ишлаб чиқиша дидактик талабларни, ўкувчиларнинг кобилиятини ривожлантиришни инобатга олиш лозим.
3. Бўлажак математика ўқитувчисининг геометрик тайёргарлигини ривожлантиришда аналитик геометрия элементларини текисликда ва фазода биргаликда олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.
4. Аналитик геометрия курсини ўқитиши жараёнида компьютер технологиясидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

### **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Фойибназарова Г.Н. Иккинчи тартибли чизик тенгламаларини соддалаштиришга доир мисоллар счишда компьютердан фойдаланиши // Академик лицейлар ва қасб-хунар коллежларида физика-математика фанларини ўқитиши такомиллаштириш истиқболлари: III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Тошкент, 2004. -Б.55-57.

2. Фойибназарова Г.Н. Иккинчи тартибли чизик тенгламаларини соддалаштириш усуллари // Таълим тизимида янги технологияларнинг қўлланиши: республика илмий конференцияси материаллари. -Ангрен, 2004. – Б.174-177.

3. Фойибназарова Г.Н. Тенгламани соддалаштириш усуллари // Таълим муаммолари. -Тошкент, 2005. -№1-4. –Б. 60-62.

4. Фойибназарова Г.Н. Иккинчи тартибли сиртлар назариясини ўқитиши тажрибасидан // Педагогик таълим. –Тошкент, 2005. -№4. –Б.21-24.

кўлланиши: республика илмий конференцияси материаллари. -Ангрен, 2004. -Б.174-177.

3. Фойибназарова Г.Н. Тенгламани соддалаштириш усуллари // Таълим муаммолари. -Тошкент, 2005. -№1-4. -Б. 60-62.

4. Фойибназарова Г.Н. Иккинчи тартибли сиртлар назариясини ўқитиши тажрибасидан // Педагогик таълим. -Тошкент, 2005. -№4. -Б.21-24.

5. Фойибназарова Г.Н. Аффин координагалар системасида иккинчи тартибли чизик тенгламасини соддалаштириш // ЎзМУ хабарлари.- Тошкент, 2006. - №2. -Б.113-115.

6. Фойибназарова Г.Н. Геометрик масалаларни ечишда келиб чикадиган батъзи кийинчиликлар ҳакида // Академик лицейлар ва қасб-хунар коллежларида физика-математика фанларини ўқитишнинг долзарб масалалари: III Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2006. - Б.88-90.

7. Фойибназарова Г.Н., Бакирова А.Ю. Геометриядан мустақил ишлар түплами (аналитик геометрия бўлими бўйича). Методик кўлланма. -Т.: Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi, 2007. -606.

8. Фойибназарова Г.Н, Бакирова А.Ю. Аналитик геометрияни ўқитища модул технологиясини кўллаш. Методик кўлланма. -Т.: Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi, 2008. -32 б.

9. Фойибназарова Г.Н. Педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини ўқитиши муаммолари ҳақида //Академик лицейлар ва қасб-хунар коллежларида физика ва математика фанларини ўқитишини такомиллаптириш истиқболлари: 5-анъанавий республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2008. – Б.156-157.

10. G'oyibnazarova G.N. Bo'lajak matematika o'qituvchilarini tayorlashda analitik geometriya bo'limi tuzilishi va mazmunining ahamiyati // Современные проблемы математики, механики и информационных технологий: материалы республиканской научной конференции посвященной 90-летнему юбилею Национального университета Узбекистана. - Ташкент, 2008. -Б.342-344.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Гойбназарова Гулнора Норматовнанинг 13.00.02-таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика) ихтинослиги бўйича «**Аналитик геометрия тузилиши, мазмуни ва ўқитишни такомиллаштириш методикаси (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида)**» мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** ўқитувчи фаолияти, геометрик тайёргарлик, таълим жараёни.

**Тадқиқот обьекти:** педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини ўқитиш жараёни.

**Ишнинг максади:** педагогика олий таълим муассасаларида аналитик геометрия курсини ўқитища талабаларнинг геометрик тайёргарлигини янада ривожлантиришга ва билим даражасини оширишга ёрдам берадиган методикани ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот методлари:** диссертация мавзусига оид илмий-методик, психологик-педагогик ва аналитик геометрия курси бўйича адабиётларни таҳлил килиш; кузатиш; сұхбат; умумлаштириш.

**Олингани натижалар ва уларнинг янгилиги:** аналитик геометрия курсини ўқитишни такомиллаштириш методикасининг зарурияти назарий асосланади. Аналитик геометрия курсининг тузилиши ва мазмуни такомиллаштирилди, талабалар билимини назорат қилишининг блок-модул тизими ва аналитик геометрия курси бўйича ўкув дидактик комплекс ишлаб чиқилди.

**Амалий аҳамияти:** ишлаб чиқилган курс тузилиши ва мазмуни ҳамда ўқитиш методикаси аналитик геометрия курсини ўқитиш жараёнини оптималлаштиради, талабалар геометрик тайёргарлигини оширишга хизмат килади.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижаларини ёритувчи методик қўлланмалар ва илмий мақолалари чоп этилганлиги ва улардан айни вактда таълим муассасалари амалиётида фойдаланиб келинаётганлиги билан изоҳланади.

**Қўлланиш соҳаси:** тадқиқот натижаларидан педагогика олий таълим муассасалари таълими жараёнида фойдаланиш мумкин.

## **РЕЗЮМЕ**

диссертации Гаиназаровой Гулнары Норматовны на тему: “Методика совершенствования структуры, содержания и преподавания аналитической геометрии (в педагогических вузах)” на соискание учёной степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.02-теория и методика образования и воспитания (математика)

**Ключевые слова:** деятельность учителя, геометрическая подготовка, процесс обучения.

**Объект исследования:** процесс преподавания аналитической геометрии в педагогических вузах.

**Цель работы:** разработка методики совершенствования преподавания аналитической геометрии в педагогических вузах, способствующей развитию геометрической подготовки студентов и повышению их уровня знаний.

**Методы исследования:** анализ психолого-педагогической, научно-методической и учебной литературы по теме диссертации; наблюдение, беседа; педагогический эксперимент; статистическая обработка анализ и обобщение результатов педагогического эксперимента.

**Полученные результаты и их новизна:** теоретически обоснована методика совершенствования преподавания аналитической геометрии. Усовершенствованы структура, содержание курса аналитической геометрии, разработана блочно-модульная система в обучении и для контроля успеваемости, а также учебно-дидактический комплекс.

**Практическая значимость:** разработанные структура, содержание и методика преподавания оптимизирует процесс обучения курса аналитической геометрии, способствуют повышению геометрической подготовки студентов.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** характеризуется тем, что основные положения и результаты исследования нашли свои отражение в методических пособиях и в научных статьях, которые используются в педагогической практике учебных заведений.

**Область применения:** результаты исследования могут быть использованы в процессе обучения аналитической геометрии в педагогических высших учебных заведениях.

## RESUME

The thesis of Gaibnazarova Gulnara Normatovna on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in pedagogics on speciality 13.00.02 – theory and methodology of education and upbringing (mathematics) subject: "Methodics of improving of the structure, contents and teaching of Analytical Geometry (in pedagogical higher schools)"

**Key words:** activity of a teacher, geometrical preparation, training process.

**Subjects of research:** process of teaching of Analytical Geometry in pedagogical higher schools.

**Purpose of work:** working out of a technique of improving of teaching of Analytical Geometry in pedagogical higher schools, geometrical training of students promoting development and increase of their knowledge level.

**Methods of research:** analysis of the psihologo-pedagogical, scientifically-methodical and educational literature on a dissertation theme; supervision, conversation; pedagogical experiment; statistical processing of analysis and generalisation of results of pedagogical experiments.

**The results obtained and their novelty:** the methodics of improving of teaching of Analytical Geometry is theoretically grounded. The structure and content of the course of Analytical Geometry are developed, the block-modul system for the process of teaching and control of knowledges of students and also the teaching complex are worked out.

**Practical value:** the developed structure, the content and a teaching technique optimises teaching process of Analytical Geometry, promote increase of geometrical training of students.

**Degree of embed and economic effectiviti:** substantive provisions and results of research have found the reflexion in methodical grants and scientific articles which are used in student teaching in educational institutions.

**Field of application:** results of research could be used in the course of training of Analytical Geometry in pedagogical higher educational institutions.

Босишига рухсат этилди 14.04.2009 й.

«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартлы босма табоби 1,0. Тираж 100. Буюртма № 50.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi»да чоп этилди.  
100003, Тошкент ш., Олмазор күчаси, 171-й.